# Qishloq hayoti

2014 йил Соғлом бола йили

Қишлоқ ҳаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 21-OKTABR, SESHANBA, 125 (8362)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда тайёрланган саноат маҳсулотларининг 54 фоизи йирик ва ўрта корхоналар ҳиссасига тўғри келади. 25,4 фоиз маҳсулотлар микрофирма ва кичик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилди. Сўнгги йилларда “Жиззах пластекс”, “Рустекс инвест”, “Жиззах кентекс” каби йирик корхоналарнинг ишга туширилганлиги вилоят саноат салоҳиятининг юксалишида муҳим омил бўлди. 2



“Агробанк” Соғлом бола йилида ҳам юртимиз равнақи ва аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини ошириш йўлидаги эзгу ишлари кўламини мунтазам кенгайтириб бормоқда. Бу эса мижозларнинг ишончини ошириши баробарида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. 3



Пойтахтимизда дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнир бўлиб ўтди. Уеда мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари битта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади. 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

>>> Бугун – Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинган кун




Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

# ТИЛИМИЗНИНГ ЖОЗИБАСИ БИР ЖАҲОН

**Ҳозирги даврда ер юзида қанча миллат вакиллари яшаётган бўлса, барчасининг қалбида она тилига нисбатан муҳаббат яшамоқда. Зотан, ҳар бир тилда бутун миллатнинг тарихи ва маънавияти, мухтасар айтганда, руҳи пинҳон.**

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, “Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир”.

Президентимиз ташаббуси билан йигирма беш йил илгари “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилингани, шубҳасиз, сўнмас жасорат тимсолидир. Мустақилликка эришганимиздан сўнг тилимиз янада ривожланиб, унинг имкониятлари тўлиқ намоён бўлмоқда. Ўтган йиллар давомида тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган кўплаб илмий-оммабоп рисолалар, ўқув қўлланмалари, луғатлар чоп этилиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинаётгани бунинг яққол тасдиғидир. Бу эса, ўз навбатида, халқимиз тарихини чуқур ўрганиш, давлатчилигимизни тобора мустаҳкамлаш борасидаги улуғвор ишларга ҳам кенг йўл очмоқда. Чунончи, она тилимизга давлат тили мақомининг берилгани уни қўллаш соҳасини сезиларли кенгайтирди. Бир пайтлар тилшунослик фанида “вазир”, “ҳоким”, “девон”, “божхона”, “туман”, “бекат”, “сарой” каби қатор сўзлар архаик, яъни эскирган, деб талқин қилинар эди. Бугун эса уларсиз давлатчилигимиз асосларини тасаввур қила олмаймиз. Бундан ташқари, она тилимиз халқаро муносабатларда ишлатиладиган тиллар даражасига кўтарилди, фаол мулоқот воситасига айланди.

Она тилимизда буюк тарих мужассам. У халқ оғзаки ижодиётидан бошлаб бугунги адабиётимизга қадар нодир хазинани қамраб олади. Қадимги битиктошлардаги ёзувлар, “Алп Эр Тунга”, “Билга ҳоқон”, “Култегин”, “Алпомиш”, “Гўрўғли” достонлари каби қаҳрамонлар тарихи юксак маҳорат билан адабиётга айнан шу тилда муҳрланган. Она тилимиз минг йиллар мобайнида мўъжизалар кашф этиб келаётганига халқимизнинг ана шу маънавий обидалари орқали гувоҳ бўлиш мумкин.

Ҳар бир одам ўз Ватанини она тили орқали танийди, ўзини ва оламни ҳам унинг воситасида англайди. Айнан шу боис, ўғил-қизларимизни муқаддас Ватанимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида она тилимизнинг аҳамияти беқиёс. Бугунги кунда таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фани ойлиги ўтказилиб, она тилимизнинг кенг имкониятларини ёш авлод онгу шуурига чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Ўзбек тили ва адабиёти ойлиги доирасида ташкил этилаётган тадбирларда турли учрашувлар ва интеллектуал беллашувлар ўтказилмоқда, – дейди Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 6-умумтаълим мактабининг ўқитувчиси Латофат Оқилова. – “Тил – миллат кўзгуси”, “Ўзбек тили – давлат тили”, “Тилга эътибор – элга эътибор” мавзуларида ўтказилаётган иншолар танлови эса она тилимизнинг бой имкониятларини кенг очиб бериши билан бирга ўқувчиларимизнинг билимларини мустаҳкамлаб, она тилимизга қизиқишини янада оширмоқда.

**Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ**

**Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Грузия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

# ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, саноат, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сайёҳлик, метрология, спорт каби соҳаларга масъул вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси И.Эргашев Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги алоқалар 1995 йилда имзоланган Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома руҳида ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Мамлакатларимиз иқтисодий ҳамкорлиги эркин савдо, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантиришга доир қатор ҳужжатларга асосланади.

Грузия иқтисодиёт ва барқарор ривожланиш вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси М.Жанелидзе Ўзбекистон Грузиянинг муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорларидан эканини алоҳида таъкидлади.

– Ўзбекистон – иқтисодиёти барқарор ривожланаётган мамлакат, – деди М.Жанелидзе. – Ўзаро манфаатдорлик ва дўстлик тамойилларига асосланган муносабатларимиз изчил тараққий этмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун имкониятлар кўп. Мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур комиссия мажлиси ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Темир йўл транспорти, сайёҳлик, маданият ва спорт соҳаларидаги ўзаро алоқаларимизни янада ривожлантириш, сармоявий қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

Ҳукуматлараро комиссия мажлисида Грузия делегацияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусийлаштириш жараёни, “Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” индустриал зоналарида сармоядорлар учун яратилган қулай имкониятлар билан таништирилди. Савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сайёҳлик, маданият ва спорт каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби қатор масалалар муҳокама қилинди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

ЯНГИ ҚОНУН МОҲИЯТИ

# ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИКНИНГ МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

*2014 йил 26 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур Қонун 5 боб, 30 моддадан иборат бўлиб, 2015 йилнинг 1 январидан кучга киради.*

Фикримизча, Қонуннинг асосий ютуғи унда биринчидан, ижтимоий шериклик тушунчаси, унинг субъектлари, асосий принциплари ҳамда уни амалга ошириш мумкин бўлган соҳалар аниқ ва тушунарли қилиб белгилаб қўйилганлиги бўлса, иккинчидан, ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари ва уларни амалга ошириш тартиби қонуний жиҳатдан мустаҳкамланганлигидадир. Учинчидан, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқаришда, гуманитар муаммоларни ҳал этишда, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтларининг давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари аниқ белгиланган.

**(Давоми 2-саҳифада)**

ИФТИХОР

*Таълим даргоҳимизда талабалар инглиз, француз, япон, хитой, араб тили каби дунё тилларини ўрганишади. Мен ҳам улар қатори хориж тилларини ўрганаман. Уларнинг барчаси жозибали, ўзига ром этади. Тилларни ўзлаштирар эканман, бошқа маданиятларни, дунёқарашларни кашф этиб бораман.*

# ОНАМ КАБИ ҚАДРДОН, ОНАМ КАБИ УЛУҒ

Энг муҳими, ушбу тилларни ўрганган сари – она тилимга – ўзбек тилига ҳурматим, меҳрим ортаверади. Айниқса, бошқа тилларда учрайдиган ўзимизнинг сўзларимизга дуч келганимда энг яқин кишимни соғиниб учратганимдагидек юрагим ҳапқириб кетади. Тасаввур қилинг-а! Олис юртда тўсатдан олдингиздан яқин дўстингиз чиқиб қолса... Бошқа тилни – ўзингизга бегона бўлган тилни ўзлаштирар экансиз, олдингиздан ўзбекча сўз чиқиб қолди. Ахир у сизнинг қадрдонингиз, ўзингизнинг сўзларингиз, унда онангиз сўзлайди, отангиз сўзлайди, ака-ука, қариндош, дўстларингиз гаплашади.

Тилни дунёга миллат танитади, дунёга миллатни тил танитади. Бугун ўзбек кураши спорти жаҳонда оммалашиб бормоқда. У билан бирга, тилимиз ҳам дунё кезмоқда. “Ҳалол”, “чала”, “ёнбош”, “ғирром” каби атамалар дунё аренаналарида янграмоқда.

Яқинда яна бир ҳолатни кўриб кўнглим фахр ва ифтихорга тўлиб кетди. Жаҳон пахта бозорининг нуфузли нашри бўлган “Cotton Outlook” журналида пахта навлари, уларнинг тури ва сифати ҳақида сўз кетар экан, улар “Яхши”, “Ўрта” каби ўзбекча атамаларда келтирилган эди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми Юртбошимиз ташаббуси билан 1989 йилда берилган эди. Бунинг учун қанчалик жасорат ва матонат кўрсатилганини бугун китоблардан ўқиймиз, ота-онамиздан эшитиб биламиз. Биз Истиқлол фарзандларимиз. Шу боис ҳам она тилимизнинг қандай кунларни бошидан кечирганларини яхши билмаймиз. Тўғрироғи, тўла ҳис қила олмаймиз. Биз ўзбек тилида сабоқ олдик. Фанларни ўзбек тилида ўзлаштирдик. Олий ўқув юртида ҳам она тилимизда ўқияпмиз, фаолиятимизни ҳам она тилимизда олиб боряпмиз.

Тил – миллат ғурури, ори, номуси. Тил – миллатнинг бойлиги. Тил – миллатнинг келажаги. Ана шу неъматни асрашимиз, унга ҳурматда бўлишимиз лозим. Бизнинг дунё тилларини ўрганишимиздан мақсад – дунёга чиқиш, дунёни тадқиқ этиш, шунинг баробарида дунёга она тилимизнинг бой жозибасини кўрсатишдир.

**Камола МУСАЕВА,**
*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси.*

# ОНА ЮРТ ОҲАНГЛАРИ

**Ўзбекистон давлат консерваториясида мамлакатимизда илк маротаба ўтказилаётган “Она юрт оҳанглари” халқаро танловининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Юртимизда ёш авлод истеъдодини ҳар томонлама ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори ушбу эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Мазкур қарор ўсиб келаётган ёш авлод истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқалари, тасвирий санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш, бошланғич мусиқий таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш имконини берди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

Сирдарё Вилояти

МУНОСАБАТ

# ҒАМХЎРЛИКЛАРДАН БОШИМИЗ ОСМОНГА ЕТДИ

*Бундан чорак аср олдинги ҳаёт билан ҳозирги кунни асло таққослаб бўлмайди. Кенг ва ҳашаматли мактабу коллежлар, обод қишлоқ гузарлари кишининг ҳавасини келтиради. Шундай дорилламон замонда яшаётганингдан севиниб, дилингда ўзгача фахр ҳиссини туясан. Шаҳару қишлоқ кўчаларини ҳар гал айланар эканман, пастқам биноларда, ўқув жиҳозининг тайини йўқ мактабларда ўқиган пайтларим, Иккинчи жаҳон уруши йиллари кўз олдимда қайта-қайта жонланаверади.*

Урушдан кейинги йилларда хўжаликда, сўнгра Гулистон шаҳридаги босмахонада ишладим. Меҳнатнинг рағбатини, фахрийларга кўрсатилаётган ҳиммат ва ғамхўрликларни Мустақилликка эришганимиздан кейинги йилларда кўрдим. **Президентимизнинг шу йил 13 октябрдаги “1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони** ҳам давлатимиз томонидан биз кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг яна бир ёрқин белгиси бўлди. Фармонга кўра, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига йилига бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ҳамда республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниб, ўз соғликларини тиклашдек катта имтиёзлар яратилди.

Президентимиз томонидан кўрсатилаётган бу эътибордан бошимиз осмонга етди. Кексаларга чексиз иззат-икром кўрсатилаётган юртда яшаётганлигимдан ғоят бахтиёрман. Илоҳим, юртимиз тинч, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори доимо сарбаланд бўлсин!

**Бектурсун ПИРМАТОВ,**
*Гулистон шаҳрида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.*

# ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИКНИНГ МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Боши 1-саҳифада)

Тўртинчидан, ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиялаштириш манбалари кўрсатилган бўлса, бешинчидан, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик янгилашнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда қонунда ижтимоий шерикликнинг асосий соҳалари, чунончи аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, бандликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳитни ва аҳоли соғлиғини сақлаш, баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, оналик ва болаликни, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий билимлари, онги ва маданиятини ошириш назарда тутилган. Олтинчидан, ушбу қонунда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда жойлардаги муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда иштирок этиш шакллари ва усуллари аниқлаштирилган. Еттинчидан, унда ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган.

Мазкур Қонуннинг 3-моддасида ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигини англатиши мустаҳкамланган. Шунингдек, унда белгиланишича, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклик субъектлари саналади. Бироқ давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлиги алоҳида қонунлар асосида тартибга солинади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг турли дастурлар ва ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши, давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари қатнашиши, ижтимоий шериклик субъектлари билан биргаликда тадбир ва музокаралар ўтказиш, битим ва шартномалар тузиш, ахборот алмашиш ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари сифатида белгилаб қўйилди.

Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташаббуслари ҳамда таклифлари давлат органлари томонидан кўриб чиқилиши шартлиги ушбу қонун билан кафолатланган. Бундан ташқари, мазкур ҳуқуқий ҳужжатда ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш турлари сифатида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини мулкий, ахборот, маслаҳат, ташкилий ва ўқув-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмалар бериш, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштириш ҳам назарда тутилган.

Шу билан бирга, Қонунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, унинг маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси ва уларнинг вазифаларига оид нормалар ҳам ўз аксини топган.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида жамоат фондлари ҳамда ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари тузилиши Қонуннинг яна бир муҳим янгилиги ҳисобланади.

Қонунда ижтимоий шериклик соҳасидаги тадбирларни молиялаштириш асослари ҳам аниқ мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Унга асосан ижтимоий шериклик соҳасидаги тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари, ижтимоий шериклик субъектларининг ўз маблағлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан амалга оширилади. Ижтимоий шериклик соҳасидаги тадбирларни молиялаштириш қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда яна бир муҳим ва асосий масала, яъни ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига катта эътибор қаратилган. Унга кўра, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз уставларига мувофиқ ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ўз аъзолари ва иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш, ташаббуслар билан чиқиш, давлат органларига тегишли таклифлар киритиш, давлат органларининг қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, давлат органларига ахборот олиш тўғрисида сўровлар билан мурожаат этиш, жамоатчилик назоратини ўтказиш каби ҳуқуқларга эгадирлар.

Масаланинг яна бир муҳим томони, давлат органларининг ижтимоий шериклик соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг аниқ белгилаб қўйилганидир. Давлат органлари ижтимоий шериклик соҳасида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этишга, улар билан биргаликда ишчи гуруҳлар ҳамда комиссиялар тузишга, уларни давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик-маслаҳат органлари ишида иштирок этишини таъминлашга, битимлар ҳамда шартномалар тузишга, ижтимоий шериклик доирасида берилган давлат пул маблағларидан ва бошқа мол-мулкдан мақсадли фойдаланилиши устидан қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширишга ҳақлидирлар. Бунда давлат органларига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни талаб қиладиган бир қатор мажбуриятлар ҳам юклатилган.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун ижтимоий шерикликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий муҳитни яратиш, фуқаролик жамияти институтларининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги бўйича ташкилий-ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Миравзал МИРАКУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди.**

# АКАДЕМИК ТЎХТАПЎЛАТ ТУРСУНОВИЧ РИСҚИЕВ



Мамлакатимиз илм-фани оғир жудоликка учради. Физика, материалшунослик ва юқори температурали қуёш ускуналари соҳасидаги йирик олим, техника фанлари доктори, профессор, давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Тўхтапўлат Рисқиев 70 ёшида вафот этди.

Т.Рисқиев 1944 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1970 йили Тошкент давлат университетини тугатиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика-техника институти аспирантурасида таҳсил олди. 1975 йилда номзодлик, 1993 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Т.Рисқиев Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси вазифаларида самарали меҳнат қилди.

Жонкуяр ва фидойи олим ўзининг қарийб 45 йиллик илмий фаолияти давомида Фанлар академияси Физика-техника институти катта илмий ходими, лаборатория мудири, институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, Фанлар академияси Материалшунослик институти бош илмий ходими каби лавозимларда ишлади. Физика-материалшунослик соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, илм-фаннинг мазкур йўналишида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшди.

Атоқли олим ўз шогирдлари билан биргаликда Ўзбекистонда қуёш энергиясидан фойдаланиш мажмуаларини ривожлантириш муаммоларини илмий тадқиқ этишга салмоқли ҳисса қўшди. Унинг физика ва материалшуносликнинг назарий ҳамда амалий масалаларига бағишлаб ёзган мақола ва рисолалари кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Заҳматкаш олим ўз фаолияти давомида жонкуяр устоз сифатида ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва докторлари тайёрланди.

Йирик олим, давлат ва жамоат арбоби, меҳрибон устоз, камтарин инсон Тўхтапўлат Рисқиевнинг хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.СОЛИҲОВ**

Бухоро Вилояти

**Дала – деҳқончилик ишларида алоҳида эътибор талаб этиладиган жиҳатлар жуда кўп. Шулардан бири экиладиган уруғни тўғри танлашдир. Уруғликнинг сара бўлиши қишлоқ хўжалиги экинларидан кўзланган ҳосилни олишда муҳим ўрин тутишини миришкор деҳқонларимиз жуда яхши билишади. Шунинг учун улар экин ерларига ҳосилдорлиги юқори, унувчанлик даражаси талабга жавоб берадиган, касалликларга чидамли, табиат инжиқликларига бардошли навларни жойлаштиришга ҳаракат қилишади.**



# УРУҒЛИКНИНГ САРАСИ ДАЛАДА САРАЛАНАДИ

Вилоятимиздаги пахтачилик йўналишида иш олиб бораётган фермер хўжаликларини сифатли уруғлик чигит билан таъминлаш бирлашмамиз мутахассислари зиммасидаги масъулиятли вазифа ҳисобланади.

Келгуси йил ҳосили учун вилоятимизда “Бухоро-6”, “Бухоро-8”, “Бухоро-102”, “Жондор Қудрати”, “Порлоқ-2” каби навлардан жами 13780,5 тонна уруғлик пахта тайёрлаш кўзда тутилган бўлиб, бу борадаги белгиланган режа ортиғи билан бажарилди. Саранжомлаб олинган уруғликнинг 321,5 тоннаси элита, 5198,4 тоннаси биринчи, 5035,5 тоннаси эса иккинчи авлодга мансубдир. Уруғлик пахта ҳосилидан олинган намуналар қабул масканларида ташкил этилган таҳлилхоналарда назорат кўригидан ўтказилганда, унинг сифат кўрсаткичлари юқори эканлиги тасдиқланмоқда.

Албатта, уруғлик пахтани етиштириш ва уни териб олиш юмушлари уруғчилик йўналишида иш олиб бораётган фермер хўжаликлари ва бирлашмамиз мутахассисларидан алоҳида эътибор талаб этади. Бу жараёнда фермер хўжаликларини тўғри танлаш муҳимдир. Ҳар йилгидек, жорий йил бошида ҳам уруғчилик хўжаликларини танлаш бўйича танлов эълон қилинди. Танловда асосий эътибор фермер хўжаликлари экин ерларининг балл бонитети, ҳосилдорлик даражаси, уларнинг иқтисодий – техник кўрсаткичлари, экинларни суғориш, озиқлантириш ва ғўзани парваришлаш билан боғлиқ бошқа агротехник тадбирларни ўтказиш борасидаги имкониятлари ҳисобга олинди. Айнан шундай талабларга жавоб берадиган 209 нафар фермер билан уруғлик пахта етиштириш бўйича шартномалар тузилди.

Уруғчилик йўналишидаги фермер хўжаликларига мутахассисларимиз томонидан ғўза вегитацияси даврида экин парвариши билан боғлиқ агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатилди. Шунингдек, мутахассисларимизнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш мақсадида уруғчилик йўналишидаги фермер хўжаликлари раҳбарлари, нав муаллифлари иштирокида амалий ўқувлар ташкил этилди.

Тажрибали деҳқонларимиз уруғликнинг сараси далада сараланади, – дейишади. Бунга амал қилган мутахассисларимиз, уруғлик учун экилган ва етиштирилган пахта ҳосилининг энг сифатлисини, яхши пишиб етилганини, яъни ғўзанинг иккинчи ҳамда учинчи ҳосил шохидаги пахтани танлаб териб олиш мақсадида фермер хўжаликлари ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишларини ҳам олиб боришди. Ҳар бир фермер хўжалиги қошида терилган уруғлик пахтани қуритиш ва саралаш майдончалари ташкил этилди.

Бугун шуни тўла ишонч билан айтиш мумкинки, олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида вилоятимизда келгуси йил ҳосили учун кўзланган уруғлик пахта хирмони яратилди. Эндиги асосий вазифа эса етиштирилган ҳосилни қайта ишлаб, ундан юқори сифатли уруғлик чигит олиш ва уларни белгиланган агротехник талаблар асосида саралаб, ҳозирлаб қўйишдан иборат.

**Амрулло НАЗАРОВ,**
*Бухоро вилояти “Ғўза уруғчилиги” бирлашмаси раиси.*

Жиззах Вилояти

# ИНВЕСТИЦИЯ – РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ



**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада тадбиркорларнинг тараққиётдаги ҳиссаси ошиб бормоқда. Жумладан, айни вақтда Жиззах вилоятида 8 минг 300 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатяпти.**

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда тайёрланган саноат маҳсулотларининг 54 фоизи йирик ва ўрта корхоналар ҳиссасига тўғри келади. 25,4 фоиз маҳсулотлар микрофирма ва кичик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилди. “Сендвич панель”, “Нурли дон” масъулияти чекланган жамиятлари, “Карбонат” хусусий корхонаси каби бир қанча қувватлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки ҳисса кўп маҳсулот тайёрлашга эришдилар. Сўнгги йилларда “Жиззах пластекс”, “Рустекс инвест”, “Жиззах кентекс” каби йирик корхоналарнинг ишга туширилганлиги вилоят саноат салоҳиятининг юксалишида муҳим омил бўлди. Яқинда бу корхоналар қаторига яна бир енгил саноат қуввати қўшилади. Яъни 11 миллиард сўм сарфланиб, собиқ “Зилолатекс” корхонаси негизида йирик тўқимачилик фабрикаси фаолиятини йўлга қўйиш чоралари кўриляпти.

Бу саъй-ҳаракатлар аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратилишида муҳим омил бўляпти. Хусусан, вилоятнинг Ғаллаорол туманида жорий йилнинг бугунигача 60 га яқин саноат лойиҳалари амалга оширилди ва бунинг натижасида 650 та янги иш ўрни яратилди.

– Айни вақтда туманда тўқимачилик корхонаси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича иш олиб борилмоқда, – дейди туман ҳокимлиги етакчи мутахассиси Икром Қаршибоев. – Қўйтош корхонаси негизида қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватини ишга тушириш кўзда тутиляпти. Жорий йилда барча соҳаларда 2 минг 549 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Бу 3 минг 965 та янги иш ўринлари юзага келтирилиши учун омил бўлади. Соҳага ёшларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, ўз ишини бошламоқчи бўлган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 70 нафарига 361 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# ОНА ЮРТ ОҲАНГЛАРИ

(Боши 1-саҳифада)

Давлат дастури доирасида республикамиздаги 278 та болалар мусиқа ва санъат мактаби янгича қиёфа касб этиб, қайтадан жиҳозланди.

Тизимда олиб борилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари самараси ўлароқ, болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқувчилар сони ортиб бормоқда. Уларда янги йўналишлар очилиб, ёшларнинг бўш вақтлари мазмунли ташкил этилмоқда.

Шунингдек, ёш иқтидор эгалари турли халқаро мусиқа танлови ва фестивалларида муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Хусусан, 2009-2014 йиллар мобайнида 452 нафар истеъдодли ёшларимиз Италия, Франция, Германия, Англия, Австрия, Япония, Руминия, Португалия, Россия каби давлатларда ўтказилган нуфузли халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритдилар.

Халқ чолғулари бўйича «Она юрт оҳанглари» халқаро танловида Ўзбекистон, Арманистон, Озарбайжон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Эрон, Туркия каби давлатлардан 70 нафардан ортиқ ёш мусиқачилар ўз маҳоратини намойиш этади.

Халқаро танлов юртимиз мусиқа ва санъат таълим масканлари бадиий жамоалари иштирокидаги катта концерт дастури билан бошланди.

**Наргиза ҲУСАНОВА,**
**«Qishloq hayoti» мухбири.**

Сирдарё Вилояти

# МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚУВВАТНИ ОШИРАДИ

**Ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш, модернизациялаш самарадорликни ошириб, корхоналарнинг узлуксиз ишлашини таъминлайди. Сирдарё иссиқлик электр станциясида янги лойиҳалар амалга оширилиб, икки блокда модернизациялаш ишларининг бошлаб юборилганлиги корхона қуввати янада ошишига хизмат қилади.**

– Белгиланган дастур асосида жорий йилнинг ўзида станциямизда биринчи ва иккинчи энергоблокларни модернизациялаш режалаштирилган, – дейди корхона директорининг капитал қурилиш ва реконструкциялаш ишлари бўйича ўринбосари Ғайрат Мамажонов. – Ҳозирда иккинчи энергоблокда модернизациялаш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Бу йирик лойиҳани амалга оширишга 60 миллион АҚШ доллари қийматида маблағ йўналтирилган. Модернизациялаш ишларини бош пудратчи Россия Федерациясининг “Силовые машины” АЖ жамоаси амалга оширмоқда. Уларга республикамиздаги “Шарқтехэнерготаъмир”, “Туронмонтаж”, “Электроизолит” қўшма корхоналари таъмирчилари кўмак беришмоқда. Кенг кўламдаги модернизациялаш ва реконструкция ишларида 200 нафардан ортиқ муҳандис-техник ва ишчилар фаол иштирок этишмоқда. Режага кўра, иккинчи-энергоблокни модернизациялаш тез кунларда якунланади. Ундан кейин биринчи-энергоблокни модернизациялаш ишлари бошлаб юборилади.

Маҳобатли генератор ва трубиналар мавжуд бўлган 1-қозон цехида таъмирлаш ишлари жадал суръатда давом эттирилмоқда. Трубинанинг юқори босимли цилиндри тўлиқ реконструкция қилингач, буғ билан бошқариладиган клапанлари тўлиқ янгиланиб, унинг иш мароми компьютер билан бошқаришга ўтилади. Генераторнинг стартер қисмини бир гуруҳ мутахассислар “ тепловизор” ускунаси билан синовдан ўтказишмоқда.

– Жамоамиз модернизация ишларини бажаришда катта тажрибага эга, – дейди “Силовые машины” АЖ етакчи муҳандиси Александр Карпов. – Энергоблокнинг трубина, генератор, буғ тақсимловчи қисми ва буғ қозонида кенг ҳажмдаги демонтаж ишларини бажаряпмиз. Эски жиҳоз ва қисмлар янги, замонавий ускуна ҳамда қурилмаларга алмаштирилмоқда. Модернизация шарофати билан, шунингдек, электр цехида, иссиқлик автоматикаси ва ўлчаш цехида техник ва технологик янгиланиш ишлари амалга оширилади. Эскиларининг ўрнига замонавий, тежамкор ва юқори қувватли асбоб-ускуна ҳамда жиҳозлар ўрнатилмоқда.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 30 фоиздан ошиғини етказиб бераётган Сирдарё ИЭСда катта ҳажмдаги ишлар, истиқболли лойиҳалар адо этилаётир. Иккинчи энергоблокда модернизациялаш ишлари тугаллангач, биринчи энергоблокда модернизациялаш ишлари бошлаб юборилади ва йил охиригача реконструкциялаш тугалланиб, корхонанинг юқори қувватда ишлашига тўла шарт-шароит яратилади. Бу эса Сирдарё ИЭСнинг мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналарига келгусида ҳозиргидан ҳам кўп электр энергияси етказиб бериши учун катта имкониятни юзага келтиради.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**







# МАҚСАДЛИ МАБЛАҒЛАР – МУСТАҲКАМ ТАРАҚҚИЁТГА ПОЙДЕВОР

AGROBANK

*Узоқ манзилни кўзлаган йўловчининг режалари бисёр, мақсадлари аниқ, фикрлари теран бўлади. Ана шу эзгу ният йўлидаги ҳар қандай машаққат, синовларни енгиб ўтиш учун мустаҳкам ирода ва ишонч бўлиши зарур. Банк ва мижоз ўртасидаги ишонч ҳам пишиқ-пухта режа ва истиқболли лойиҳалар асосида қурилади. Сиздан мақсадли ва истиқболли бизнес-лойиҳа, банкдан эса сармоя...*

**РЕКЛАМА ЎРНИДА**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз раҳнамолигида узоқни ўйлаб амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида бугунги кунда нафақат маданият, фан, таълим, санъат, спорт соҳаларида, балки иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалигида ҳам улкан ютуқ ва муваффақиятларга эришиб келяпмиз.

Буни юртимизга ташриф буюраётган хорижлик эксперт ва сайёҳлар ҳам эътироф этишаётир. Ана шундай эътирофу эзгу фикрлардан ҳар бир юртдошимизнинг қалби фахру ғururга тўлади. Эртанги кунга бўлган ишончи янада ортади. Дунёнинг кўпгина давлатлари иқтисодиётини танг ҳолатга келтирган, ундан ҳамон азият чекаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бўҳронлари давом этаётган бир пайтда Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари сақланиб қолмоқда.

Мамлакатимизда банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этиш борасида олиб борилаётган изчил ишлар натижасида банкларнинг ресурс базаси йилдан-йилга кенгайиб, янада мустаҳкамланмоқда. Улар томонидан кўрсатилаётган тезкор ва ишончли хизмат турлари мижозларга маъқул келаётирки, банкларга нисбатан аҳолининг ишончи тобора ортиб бормоқда.

Юртбошимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифалар ижроси бўйича “Агробанк” акциядорлик тижорат банки томонидан Соғлом бола йилида ҳам тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

“Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ташкил этишга ҳамда аҳолининг моддий ва маънавий шароитини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни кредитлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2014 йилнинг ўтган 9 ойи давомида молия муассасаси томонидан тадбиркор аёлларнинг бизнес-лойиҳаларини молиялаштиришга жами 64 миллиард сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни кенгайтириш учун 11,4 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Шунингдек, ҳисобот даврида банкнинг капиталлашув даражасини ошириш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини кўпроқ жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Яъни жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, “Агробанк”нинг умумий капитали йил бошига нисбатан мос равишда 42,5 миллиард сўм (111 фоиз) ва 29,8 миллиард сўм (113 фоиз) га ўсганини кўришимиз мумкин.

Ҳудудлардаги кам қувватли ва ночор корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, яъни рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш мақсадида 14 та иқтисодий ночор корхона банк балансига қабул қилинди. Уларнинг ишлаб чиқариш базасини реконструкция ҳамда модернизация қилиш учун жами 39,5 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилди. Натижада корхоналарнинг бир маромда фаолият кўрсатиши, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариши яхшиланиб, нафақат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатмоқда, балки ҳудудларда кўплаб янги иш ўринлари яратилиши, аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришида муҳим омил бўлаётир. Шунингдек, банк томонидан ночор корхоналар негизида юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида хориждан замонавий ва ихчам, компьютерлашган технологиялар келтириш учун 9 миллиард сўм маблағ ажратилди.

– Мамлакатимизда кам қувватли ва ночор корхоналарни модернизация қилиш, янги техника ва технологиялар билан таъминлаш борасида муайян ишлар қилинмоқда, – дейди Тўрақўрғон туманидаги “Дилрабо СДА” кўп тармоқли хусусий фирмаси раҳбари Маъсуда Содиқова. – Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларининг гувоҳи бўласиз. Ана шундай яртувчанлик ишларига оз бўлса-да ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз. Анчадан буён болалар учун трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ният қилиб юргандик. Орадан бироз вақт ўтгач, бизнес-лойиҳа тузиб, “Агробанк”нинг Тўрақўрғон филиалига тақдим қилдик. Банк жамоасига бизнес-режа маъқул келди. Банкнинг сармоялари орзуларимиз рўёбга чиқишида қанот бўлди. Белгиланган муддатда хориждан тўқув дастгоҳлари олиб келиш учун банкдан 180 миллион сўм сармоя олдик. Сармоя самарасида корхонада 200 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Ишчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Айни пайтда корхонада тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш қуввати ошириляпти. Трикотаж маҳсулотлари тури ва экспорт ҳажмини янада кўпайтиряпмиз.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк жамоаси ва ишбилармонлар билан ҳамкорликда амалга оширилган изчил ишлар натижасида банкрот корхоналар ўрнида 7,8 минг тонна озиқ-овқат ва 6159 тонна текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, 55 миллион дц. кв. терини қайта ишловчи янги корхоналар барпо этилди. Яратилган янги иш ўринлари ҳисобига 530 дан зиёд киши иш билан таъминланди.

Бугунги кунда ишлаб чиқилган бизнес-режа кўрсаткичларига асосан фаолияти тикланган корхоналарда 74 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 18 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспортга йўналтирилди.







ЎзА суратлари.

### КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИ

Юртимизда кичик бизнесни жадал ривожлантиришнинг муҳим томонлари бор. Яъни ушбу соҳа нисбатан барқарор, бозордаги ўзгаришларга тез мослаша олади. Энг муҳими, бир тадбиркор икки-уч оилани иш билан таъминлаб, маҳалласи ободлигига ҳам ҳисса қўшишга қодир.

Эътиборли томони шундаки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси барқарор ривожланиб бораётир. Бунинг асосий омили эса юртимизда мазкур соҳага яратилган қулай ишбилармонлик муҳитидир. Айни шу жараёнда биргина тадбиркорларга молия муассасаси томонидан кўрсатилаётган тезкор ва ишончли банк хизматларини олиб кўрайлик.

Жумладан, банк томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида кичик бизнес субъектларига 610 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Ажратилган кредитлар салмоғи ва ҳажми эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 152 миллиард сўм ёки 133 фоизга ўсди. Бу эса янги иш ўринлари кўпайиши, қўшимча даромаднинг ортишига замин яратди.

“Агробанк” юртимиздаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, яъни кичик бизнес субъектларининг истиқболли бизнес-лойиҳаларини молиявий жиҳатдан мунтазам қўллаб-қувватламоқда.

– Нон ва нон маҳсулотлари цехини ташкил этишимизда банкдан ажратилган сармоя мустаҳкам асос бўлди, – дейди Китоб туманидаги “Янги замон неъмати” МЧЖ раҳбари Олим Эшматов. – Халқимиз дастурхони тўкинлиги йўлида 25 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз. Корхонада меҳнат қилаётган ёшларнинг аксариятини коллеж битирувчилари ташкил этади. Маҳалладошларимизнинг турмуш фаровонлиги ошишига ҳисса қўшаётганимиздан бахтиёрмиз. Бу ҳам бўлса мамлакатимизда тадбиркорларга яратиб берилаётган имконият, имтиёз ва шарт-шароитлар натижасидир. “Агробанк”дан олган кредит ҳисобига фаолиятимиз йўлга қўйилди. Корхонага зарур бўлган асбоб-ускуналарни хориждан келтиришимизда банкнинг мадади катта бўлди. Эндиликда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирмоқдамиз. Ишлаб чиқараётган нон ва нон маҳсулотларимиз сифати ҳар томонлама юқори бўлгани боис, аҳолига манзур бўляпти.

“Агробанк” Соғлом бола йилида ҳам юртимиз равнақи ва аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини ошириш йўлидаги эзгу ишлари кўламини мунтазам кенгайтириб бормоқда. Бу эса мижозларнинг ишончини ошириши баробарида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, ҳисобот даврида банк томонидан тадбиркорларга 165 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилиб, 9 ойлик учун белгиланган параметрлар ижроси 104 фоизни ташкил этди. Ундан ташқари, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида иқтисодиётнинг турли йўналишларидаги тармоқларни молиялаштиришга жами 2 триллион 105 миллиард сўм, шундан банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1102 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ажратилган кредитларнинг 339,2 миллиард сўми саноатга, 1364,4 миллиард сўми қишлоқ хўжалиги, 20,5 миллиард сўми қурилиш ва транспорт соҳасига, 56,2 миллиард сўми моддий-техник таъминотга, 324,8 миллиард сўми иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига йўналтирилди.

### ИШБИЛАРМОН ФЕРМЕРЛАР

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги йилдан-йилга ривожланишнинг юқори босқичларига кўтарилмоқда. Авваллари асосан ғалла ва пахта етиштирган, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарган фермер хўжаликлари эндиликда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳам бунёд этишаяптики, булар, ўз навбатида, саноат ривожига ҳам катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Йил давомида ички истеъмол бозорини юртимизда етиштирилган, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан барқарор ва ишончли тарзда тўлдириш, сақлаш, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш, турини кўпайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари дастуриламал вазифасини ўтаётир.

Ички бозорларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш мақсадида банк томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 165 миллиард сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун 128 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди.

– Юртбошимиз раҳнамолигида биз, фермерларга яратиб берилаётган имконият ва қулайликлар боис, қўшимча тармоқлар ривожланмоқда, – дейди Косон туманидаги “Бахт кўзгуси” фермер хўжалиги раҳбари Азиз Норқулов. – Мана шундай ғамхўрлик ва имтиёзлар сабаб фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар фаолият бошламоқда. Аввало, бирор эзгу ишни бошламоқчи бўлсангиз, пухта режалар тузасиз. Унинг ривожланиши ва истиқболи учун маблағ сарфлайсиз. Мукаммал бизнес-лойиҳа ҳам даромадни оширади, ҳам ишингиз истиқболини белгилаб беради. Фермер хўжалигини ташкил этганимиздан буён “Агробанк” билан ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Банкнинг мақсадли маблағларидан унумли фойдаланиб, меҳнатимиз ортидан олаётган даромад эвазига оиламиз фаровонлиги яхшиланмоқда. Ҳозирги кунда хўжалик аъзолари 110 гектар майдонда ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирмоқда. Шунинг баробарида олинаётган соф даромадимиз ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Келгусида хўжалигимизда қўшимча тармоқларни ривожлантириб, экспортни йўлга қўймоқчимиз. Бунда банкнинг молиявий кўмаги қўл келади.

Бугунги кунда нафақат деҳқончилик ва чорвачилик билан, балки шунга қўшимча равишда қишлоқ хўжалигининг истиқболли тармоқларидан саналмиш балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик ҳамда иссиқхона хўжалиги билан шуғулланаётган фермер хўжаликлари сони ортиб боряпти. Шуни эътиборга олган ҳолда банк филиаллари томонидан мазкур тармоқлардаги лойиҳаларни ривожлантиришга маблағлар йўналтирилмоқда.

Жумладан, молия муассасаси томонидан жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида чорвачиликка 62,6 миллиард сўм, паррандачиликка 18,9 миллиард сўм, балиқчиликка 4,2 миллиард сўм ва асаларичиликни ривожлантиришга 3,9 миллиард сўм сармоя ажратилди. Бундан ташқари, ҳудудларда интенсив боғлар ва узумзорлар ташкил этишга 9,5 миллиард сўм, иссиқхоналар ташкил этишга 26,5 миллиард сўм ҳамда аҳолининг полиз ва сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун 21,4 миллиард сўмлик кредитлар берилди.

Шунингдек, фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалик техникалари, агрегат ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлашга 71,7 миллиард сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Ушбу маблағлар ҳисобига 269 та ҳайдов ва чопиқ тракторлари, 17 та комбайн ҳамда 47 та турли қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлар етказиб берилди.

### ЁШЛАР – КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ

Юртимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор бугун ҳар бир эришаётган ютуқ ва муваффақиятларда ёрқин намоён бўлмоқда. Бу эса келажак ворисларининг дунёқараши кенг, юксак билимли ва маънавиятли, тадбиркору ташаббускор эканлигидан далолат бермоқда.

Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига биноан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор имтиёзлар жорий қилинди.

“Агробанк” томонидан ёшларнинг тадбиркорлик қобилиятларини юзага чиқаришга, молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Мамлакатимизнинг чекка ҳудудларигача банк сармоясини киритиб, аҳоли фаровонлигини оширишни мақсад қилган банк жамоасининг ёш тадбиркорларга бераётган тавсия ва маслаҳатлари, тажриба ва амалиёт уйғунлиги, энг муҳими, фоизи кам кредитлардан унумли фойдаланиш борасидаги фикрлари ёшларда тадбиркорликка бўлган қизиқишни орттирмоқда.

– Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда банк ўзининг мададини бериб келмоқда, – дейди Паркент туманилик тадбиркор Заҳриддин Муҳиддинов. – Ёғ ва ёғ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимизда банк кредити қўл келди. Кредит ҳисобига ёғ маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ускуналар келтириб ўрнатдик. Беш киши ишли бўлди. Фаолиятимиз ривожида банк мутахассисларининг маслаҳатлари асқотди. Биз сингари бизнес-лойиҳа тузиб, банк мададидан баҳраманд бўлаётган ёшлар кўпаймоқда. Бугун ташаббускор, интилувчан, мустақил фикрлайдиган, ҳар ишга қодир ёшлар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Мен мана шундай юртда улғайиб, касб эгаллаётган ёшлар сафида эканлигимдан фахрланаман.

Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, банк томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун 23 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиб, бу борадаги кўрсаткич 110 фоизга бажарилди. Сармоялар ҳисобига коллеж битирувчиларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имконияти туғилди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун тадбиркорликни йўлга қўйиш бўйича банк томонидан кўплаб ўқув-семинарлари ташкил қилинди. Уларда фаол иштирок этган ёшларнинг бизнес-лойиҳаларини амалиётга татбиқ этиш учун имтиёзли шартларда микрокредитлар ажратиш бўйича сертификатлар берилди.

### ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР ОММАЛАШМОҚДА

Бугунги кунда қулай ва ихчам, ҳамёнбоп бўлган пластик карточка билан муомала қилиш аҳоли орасида тобора оммалашиб бормоқда. Ана шундан келиб чиққан ҳолда банк жамоаси савдо ва бошқа эҳтиёж манзилларини терминаллар билан таъминлашга жиддий эътибор қаратаётир. Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини ривожлантириш мақсадида ўрнатилган терминаллар сони 23791 тага, тарқатилган пластик карточкалар сони эса 2 миллион 648 мингтага етказилди. Шу билан бирга, банкнинг “онлайн” режимидаги пластик карталари сони 466 мингтага кўпайтирилди.

Аҳоли ва мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида “Клик” ва “СМС-тўлов” тизимлари бўйича пластик карталардаги маблағлардан мобиль телефон ва интернет орқали тўловларни амалга ошириш имконияти яратилди. Шунингдек, банк томонидан VISA халқаро пластик карталар тизимига жалб қилинган мижозлар сони 2361 тани, кирим қилинган валюта маблағлари суммаси эса 7,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бугунги кунда халқаро тўлов карталари тармоғини ривожлантириш мақсадида “Мастеркарт” халқаро тўлов тизимини жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Сирасини айтганда, юрт ободлиги, аҳоли фаровонлиги учун хизмат қиладиган, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган устувор вазифаларда “Агробанк” АТБ ҳам ўзининг муносиб улушини қўшиб келаётир.

**Озод ОЧИЛОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

▼ ПАРАОСИЁ – 2014

# ҲАМЮРТЛАРИМИЗ РЕКОДЛАРНИ ЯНГИЛАМОҚДА

**Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилаётган Параосиё ўйинларида қитъамизнинг 42 та давлатидан 4 минг нафардан зиёд спортчи иштирок этмоқда. Ушбу мусобақаларда мамлакатимиз шарафини 27 нафар спортчимиз муносиб ҳимоя қилмоқда.**

Шу кунга қадар ўтказилган баҳсларда спортчиларимиз олтита олтин, биттадан кумуш ва бронза медални қўлга киритди.

Мусобақанинг **сузиш баҳслари**да ҳамюртимиз Дмитрий Хорлин бир йўла учта олтин медалга сазовор бўлди. У 50 метрга, 100 метрга ва 400 метр масофага сузиш баҳсларида юқори натижа қайд этиб, ҳар уч йўналишда ҳам Осиё рекордини ўрнатди.

50 метр масофага **эркин усулда сузиш**да Кирилл Паньков шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Унинг қайд этган натижаси ҳам Осиё рекорди сифатида эътироф этилди.

Енгил атлетика бўйича ўтказилган баҳслар ҳам паралимпиячиларимиз учун медаль ва рекордларга бой бўлди. **800 метр масофага югуриш** баҳсида ҳамюртимиз Фахриддин Ҳамроев Осиё рекордини янгилади. Ушбу масофага югуриш бўйича Дамир Пашаев бронза медаль билан тақдирланди.

**Ядро улоқтириш** мусобақаларида Мавлонбек Ҳайдаров Ўзбекистон делегацияси ҳисобига яна бир олтин медални келтирди ва Осиё рекордини ўрнатди.

Енгил атлетиканинг **узунликка сакраш** мусобақаларида эса Фаррух Мирзақулов кумуш медални қўлга киритди.

▼ ДЗЮДО

# ПОЛВОНЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

**Пойтахтимизда дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнир якунланди. Ушбу тадбирда 42 давлатдан 280 нафардан зиёд полвон иштирок этди.**



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Мусобақанинг вазни 66 килограмм бўлган полвонлар баҳсида икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори Ришод Собиров туркиялик Синан Сандал, италиялик Элио Верде, беларуслик Дмитрий Шершан, россиялик Денис Лаврентьев ва мўғулистонлик Алтансукх Довдонни енгиб, мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди.

Шунингдек, полвонларимиздан Диёрбек Ўрозбоев ва Яҳё Имомов кумуш медални қўлга киритган бўлса, Шаҳзод Собиров, Рамзиддин Саидов, Элёр Машарипов бронза медаль билан тақдирланди.

Шу тариқа нуфузли турнирда мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари битта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

**Ж.ЭШНИЁЗОВ**

▼ ДЕҲҚОН ТАҚВИМИ



**Боғларда хазонрез. Олтинранг япроқлар тўкилмоқда. Ҳавода куз белгиси – мезон учади. Деҳқонга шошилинг, вақт ғанимат дегандек, кунлар ҳам қисқариб, эрта шом тушмоқда. Тонгда эсадиган салқин шабада – тоғларга туша бошлаган қор совуғини олиб келаётгандек, этни жунжиктиради.**

# Ақраб келар айқириб...

Кундузлари чарақлаб турса-да, қуёшнинг иссиғи сезилмайди. Офтоб ердан узоқ кетмоқда, кунлар қисқармоқда, қиш келмоқда. Деҳқон тақвими бўйича ақраб бошланмоқда. Ақраб – чаён дегани.

Олтин куз. Мевасини улашиб бўлган боғлар япроқларини ҳам тўкмоқда. Унга шамол кўмакчи. Кўп кузатишган кексалар айтишадики, дарахтлар барги ҳадеганда тўкилавермаса, қиш қаттиқ келар экан. Агар дарахт барглари учидан тўкилса, қиш ҳавоси мўътадил бўларкан.

Тоғларга қор тушмоқда. Дарёлар тиниқлашиб оқади. Ақрабда сув зумрад тусга киради. Сунбулада тиниқлашган, мезонда зангори ранг олган жилға, дарё сувлари ақрабда ҳам тусини ўзгартириши тоғларда совуқ бошланиши, аста-секин қор тушиши билан изоҳланади.

Иссиқсевар қушлар аллақачон жанубга учиб кетиб, қиш қушлари, жумладан қарғалар юртимизга кела бошлайди.

Бу каби жараёнлар қиш тадоригини кўриш, ҳосилни йиғиб олишнинг сўнгги паллалари кечаётганлигини билдиради. Сабзавот, полиз экинлари йиғиштирилади. Уларни қишга ғамлаш ишлари ҳам қизғин боради.

Шудгорлаш авж олади. Кузги шудгор бошқаси бекор, деб бежиз айтишмаган-да. Негаки, қуёшли кунлар кам қолди. Ер музласа, шудгор сифати бузилади. Кузги ғалла уруғини қадашнинг сўнгги фурсати. Ғаллакорларимиз тилида шундай ибора бор: Деҳқон бўлсанг кузда эк, яхши ҳайдаб бўзга эк. Тадорикни эрта кўрган, эрта уруғ қадаган ғаллакорларимиз эса аллақачон буғдойни ундириб олиб, яшил майсалар парваришига киришишган. “Кузги донни ақрабгача майсалат” ибораси донишманд боболеҳқонннинг кўп йиллик кузатишу хулосаларидан келиб чиққан.

Пахта далаларида эса асосий ҳосил йиғиштириб олинди. Энди ерни келгуси ҳосилга тайёрлаш, унга ишлов бериш, қиш давомида парваришлашдан иборат бўлади. Ерни боқсанг, у элни боқади, дейди халқимиз. Ерни боқиш эса уни тўйинтиришдан иборатдир. Деҳқонлар кузги шудгор олдидан ерга маҳаллий ўғит беришга, қолаверса, йил давомида бериб бориш учун маҳаллий ўғит жамғаришга киришадилар.

Боғбонлар ҳосилни йиғиштириб олишган. Токзорларда қишга ҳозирлик – ток кесиш, кўмиш ишлари қизғин бормоқда. Чунки кузнинг совуқ ёмғирлари бошланиб қолса, бу тадбир амалга оширилмай қолиши мумкин. Шу боис, халқда шундай ибора келиб чиққан: “токни ақрабгача кўмсанг – қанд, кўмолмасанг – панд ейсан”.

Чорвадорлар учун ақраб ниҳоятда муҳим ой ҳисобланади. Уларнинг таъкидлашича, шу ой чорванинг энг дуркунлашган пайти бўларкан. Яна айтишадики, “омборга қаранг, йиғилгани қишга ярайдими?”. Демак, йиғилган озуқа базаси хомчўт қилинади. Озуқа жамғаришнинг эса сўнгги имконияти. Чунки ақраб қиш олди. Ақрабдан кейин чорва қишловга киради. Шу боис озуқани мустаҳкамлаш лозим.

Яна айтишади: ақраб келар айқириб, қиш ҳавосин чақириб... буни қарангки, чаён буржида табиат ҳавоси икки хил келар экан. Бири куз ҳукмида бўлса, бири қишга тортади. Баъзи йиллари ақрабда дафъатан чақмоқ, момоқалдироқ кузатилиши мумкин. Бу ҳолат қишнинг унчалик қаттиқ келмаслигига ишора экан. Бу ҳолни кексалар “гулдирак қишни уриб кетди” дейишади.

Ушбу буржнинг сўнгги кунларида деҳқонлар ерга яхоб суви бера бошлайдилар. Бу янги бошланаётган бурж – қавсда деҳқончиликда амалга ошириладиган асосий агротехник тадбирлардан биридир.

Ақраб кирди. Куз ўз ҳукмронлигини буткул қўлга олди. Яқиндагина ёғиб ўтган ёмғирдан сўнг қиш ҳавоси яқинлигини янада яхшироқ сеза бошладик:

*Мезон ўтди, ёмғиридан нам қолди,*
*Ақраб кирди, илиқ кунлар кам қолди.*

**А.БОТИРОВ тайёрлади.**

○ **Реклама ва эълонлар**

**БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ, “KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ БОШЛАНҒИЧ НАРХИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активи қўйилади:**

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Тошиссиққуввати” ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси тасарруфидаги Тошкент шаҳар Яшнобод (собиқ Ҳамза) тумани Зумрад ва Хосият кўчалари, 58-ҳарбий шаҳарчада жойлашган база бино-иншоотлари.**

**Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:** умумий майдони - 663 кв.м.

**Бошланғич нархи** – 833 123 300 сўм.

**Балансда сақловчи:** “Тошиссиққуввати” ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси.

**Фаолияти ихтисоси:** ишлаб чиқариш.

**Савдо ташкилотчиси:** “Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ, Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1”А”-уй. **Тел/факс:** (0-371) 228-84-48. **веб сайт:** www.1kms.uz. **электрон почта:** rieltsavdo@inbox.uz. **Лицензия:** RR 0001.

**Аукцион савдоси** 2014 йил 24 ноябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1”А”-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий савдолар 2014 йил 9, 23 декабрь ва 2015 йил 6 январь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси (“Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали; ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

**Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:**

*- юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар учун - паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;*

*- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.*

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1”А”-уй.

**Маълумот учун телефонлар:** (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

**Электрон почта:** rieltsavdo@inbox.uz. **Интернет тармоғидаги веб сайт:** www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

*Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жарёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!*

**САВДОЛАРГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!**




## АКАДЕМИК МАҲМУД МИРЗАЕВ НОМЛИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ 2015 ЙИЛ УЧУН КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ ИЗЛАНУВЧИЛАР ҚАБУЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**06.01.07 – Мевачилик, узумчилик ихтисослиги бўйича – 2 та ўрин.**

**Катта илмий ходим изланувчилик бўйича танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади:**

**1.** Институт директори номига ариза;
**2.** Маълумотнома (ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси ва таржимаи ҳол);
**3.** Меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси. Талабгор камида 2 йиллик илмий ёки илмий-педагогик иш стажига эга бўлиши зарур;
**4.** Олий таълим муассасаси магистратура дипломи ёки фан номзоди дипломи, магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
**5.** Тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
**6.** Муайян илмий натижалар, шу жумладан, илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида 3 та). Илмий ва амалий конференцияларда, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларига фан докторлик илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли йўналиш бўйича илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида 2 та) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
**7.** Талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятига лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;
**8.** Етакчи олимлардан бирининг консультант сифатида белгилаш юзасидан розилик хати. Бунда тавсия этилган мавзулар базасидан танлаб олинган мавзу бўйича қоидага кўра “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида Низом”нинг 8-чи бандига мувофиқ ушбу мавзуни таклиф этган етакчи олим илмий консультант бўлиши мумкин.

**Ҳужжатлар 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 2014 йил 1 декабрдан 20 декабргача ўтказилади.**

**Манзил:** Тошкент вилояти, Зангиота тумани, “Гулистон” ҚФЙ, Чимкент йўли Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти. **Телефон:** 220-26-82, 220-26-48 (факс). **E-mail:** rrshreder@qsxv.uz, meva-uzum@exat.uz







Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (12.05.2004 й., реестр № 000240-01) рўйхатдан ўтган “DAVRONBEK” Хусусий кичик корхонасининг (ИНН 201325712) мулкчилик шакли “DAVRONBEK” МЧЖга ўзгартирилади.

Утерянный план квартиры расположенной по адресу: Чиланзар 21, 5 а, 13 выданный Учтепинским БТИ на имя Белохвостова Тимофея Юрьевича, считать недействительным.

Тошкент вил. Янгийўл т.да жойлашган “PLANETA MEGA TRANS” МЧЖ (СТИР 302182484) Устав фондини 37 400 000 сўмга камайганлигини маълум қилади.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 004850-07, 24.12.2013 й.) Ҳамза т. Чигил кўч. 7-уй манзили бўйича рўйхатга олинган “GRAND LYUKS ARENDA BIZNES” МЧЖ (СТИР 302777012) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 17.10.2014 й.даги 1-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда +99890 126-01-25 тел. орқали қабул қилинади.










Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 000761-07, 29.08.2005 й.) рўйхатга олинган “ISTIQBOL KO‘RKI” (СТИР 205798913) шўъба корхонаси тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 16.10.2014 й.даги 18-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда +99890 992-01-71 тел. орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 000704-07, 12.07.2005 й.) рўйхатга олинган “MEHNAT TRAQQIYOT MANBAI” (СТИР 205744330) шўъба корхонаси тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 16.10.2014 й.даги 8-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 298-33-80 тел. орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Чилонзор т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган (31.05.2001 й., реестр № 08-02430) Олий бизнес мактабига тегишли Далолатнома ҳамда 21.05.2001 й.даги FN № 032543 рўйхат рақами 08-024268 бўлган Гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (07.08.2014 й., реестр № 006317-01) рўйхатга олинган “MERIDIAN PRODUCT” ХК (ИНН 302827606) таъсисчисининг 20.10.2014 й.даги 3-сонли қарорига асосан тугатилади. Даъволар 2 ой муддатда қабул қилинади. Тел.: +99898 304-44-55.

“JOXON-FARM” МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Яккасарой т.да рўйхатга олинган “SUPER-DENTA-MASTER” МЧЖнинг Устав фонди 19 951 912 сўмдан 10 542 000 сўмга камайтирилади ва жамият Устав фонди 9 409 912 сўм деб белгиланди. Маълумот учун тел.: +99890 186-50-74.

Утерянную круглую печать ООО “Aziya NeftGazKomplekt” Мирабадского р-на, считать недействительной.

ООО “BARS-SPORTING” сообщает об уменьшении уставного фонда с 72 450 157,00 сум до размера 71 950 157,00 сум. С вопросами обращаться по тел.: 212-39-39.

“Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчи ташиш автосаройи” МЧЖга тегишли Мерседес Бенц русумли, давлат рақами 10 670 RAA бўлган автотранспорт воситасига “Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги” томонидан берилган АТ 1420433 сонли муддати 07.04.2014 й.дан 06.04.2015 й.гача бўлган лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Юнусобод т.да рўйхатга олинган (реестр № 008668-10, 16.10.2013 й.) “MADINA E’ZOZ MARVARID” МЧЖ (СТИР 302728769) тугатилади (асос: 3-сонли йиғилиш баёни). Даъво аризалари 2 ой муддат ичида +99891 163-36-24 тел рақами орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети томонидан 2005 й.да Талипов Марат Альбертович номига берилган № 193801 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО “SILK ROUTE MARIONETTES” (ИНН 302544864) сообщает об изменении полного фирменного наименования на ООО “TEATRE-STUDIO SILK ROUTE MARIONETTES”. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент Шайхантахурский р-н ул. Коратош д. 5 “А”.

Утерянный диплом Д № СТ-1 № 483475 выданный 26.06.1993 г. ТГМУ им. П.Ф.Боровского на имя Туйчиевой Наргизы Абдухалиловны, считать недействительным.

Утерянный план БТИ и гос. ордер № 10-01/23753 от 27.03.2013 г. права собственности на квартиру на имя Иномовой Матлубы Юсуповны, считать недействительным.

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Баҳодир ХОЛИҚОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:** **Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-35, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-44-43, **Факс** — 233-44-43, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:** **Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 401-29-59; **Жиззах** – (+99890) 310-06-99; **Навоий** – (+99891) 332-00-88; **Наманган** – (+99890) 278-95-87; **Фарғона** – (+99890) 407-76-03; **Самарқанд** – (+99893) 994-57-08; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР:** 236-26-50, 233-28-04.

**Навбатчи муҳаррир:** Р.СУЯРОВ
**Мусаҳҳиҳ:** Н.РАИМҚУЛОВА
**Дизайнер:** Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-1019, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | **Босишга топшириш вақти: 21.00** **Босишга топширилди: 22.00** 16097 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | **Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | **E-mail:** info@qishloqhayoti.uz | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5